

Институт ректори Умурзаков Ўқтам Пардаевичнинг 8 – март – халқаро хотин-қизлар кунига бағишиланган тадбирдаги табрик нутқи

## **Ассалому алайкум муҳтарама аёллар, азиз опа сингиллар, дилбар ва лобар қизлар!**

Гўзал ва бетакрор диёrimизга байрамона қувончили кунларга, лаҳзаларга бой фасли **Баҳор** ташриф буюрди.

Шу қувончили кунларда, халқаро хотин-қизлар байрами арафасида Сиз азизлар билан учрашиб, Сизларни чин дилдан байрам билан табриклаб турганимдан **беҳад баҳтиёрман**.

Ҳурматли азиз ва муnis онахонлар, қадрдон опа- сингиллар, дилбар ва лобар қизлар Сизларни ўлкамизга кириб келган илк **Баҳор байрами** билан институт эркаклар жамоаси номидан чин дилдан **муборакбод этаман**.

**Сизлар жамоамизнинг** бамисоли нафис ва бежирил гуллар каби безаб турибсизлар.

**Сизлар жамоамизда** маданият ўчоғининг аланга шуъласи бўлиб турибсизлар.

**Сизлар жамоамиздаги** ҳар бир ютуқقا чиройли табассум ила меҳнатларингиз билан камарбаста бўлиб турибсизлар ва биз буни ҳеч қачон унутмаймиз.

Азизлар, оилани ҳам, жамиятимизни ҳам бирлаштириб, унга файзу-барокот киритадиган, хонадонларимизни меҳр-муҳаббат, нафосат ва эзгулик нури билан тўлдирадиган зотлар ҳам аслида **мўътабар оналаримиз, муnis опа-сингилларимиздир**.

**Сизларнинг биргина ширин сўзларингиз** - синиқ кўнгилларни шод қилиши мумкин...!!!

**Сизларнинг биргина илиқ** табассумларингиз – дунёдаги барча нохушликларни бартараф этиши мумкин...!!!

**Сизларнинг биргина** умид ва самимий тилакларингиз - юксак муваффақиятларга етаклаши мумкин...!!!

**Чиндан ҳам**, аёлларимизнинг оилада тутган ўрни беқиёс. Оқила, гўзал аёллар ўзларининг ғамхўрлиги, меҳрибонлиги, қалби дарёлиги билан оиласаги, қолаверса, бутун жамиятдаги мувозанатни, **поклик, ҳалоллик, самимият ва адолат** муҳитини сақлаб турадилар.



Улуғ донишмандлар Ватанга энг муносиб таъриф излаганда, уни **Она** сиймосига қиёс этганларида катта маъно бор. Дунёда муқаддас деган сўзга энг муносиб зот ҳам - **Онадир**.

### **Қадимдан бир ривоят бор:**

Бир аёл одамлар орасида боласини қаттиқ урар экан. Бола қаттиқ зарбаларга чидаб ҳеч йиғламас экан.

Орадан йиллар ўтибди, одатдагидек она боласини одамлар орасида урганида, бу сафар бола **қаттиқ йиғлаб** юборибди...

Одамлар ажабланиб:

- «Эй йигитча, олдинлари онангиз калтаклаганларида миқ этмасдингиз-ку, нега бугун кўзларингизга тўла ёш олдингиз?» - деб сўрашибди. **Йигитча йиғлаганча...**

Онасини қўллари қаттиқ тегмайди ва шунда бола қаттиқ йиғлайди **демак онам қарибди** деб....

**Шунинг учун азизлар онани эъзозлаш** - бизнинг миллатимиз, халқимиз учун олий қадрият даражасига кўтарилган фазилат.

Чунки аёлларни қанча улуғласак, ҳаётимизнинг чироғи, умримизнинг гули деб эъзозласак, демакки, оиласизни, Ватанимизни эъзозлаган бўламиз.

Шарқда аёлни фариштага қиёс қилишади. Чунки фаришталар **Аллоҳ таоло** яратган энг пок, энг бегуноҳ зотлардир.

Халқимизнинг буюк тарихида ўзининг жасорат ва матонати, ақл-заковати, нафосат ва назокати билан ўчмас ном қолдирган **Тўмарис, Бибихоним, Гулбаданбегим, Зебунисо, Нодира, Увайсий, Анбар Отин** ва бошқа юзлаб аёлларимизни ҳамиша эҳтиром билан тилга оламиз

Биз ўзимизни доимо оналаримиз, опа сингилларимиз олдида

қарздордек ҳис этамиз, **Сиз азизларга** доимо дунёning барча яхшиликларини, бойликларини соғиниб яшаймиз.

Ҳурматли опа сингиллар, қадри баланд аёллар. Биз ўз касбига фидойи, юксак маънавиятли, ҳалол ва пок ниятли муҳтарама аёлларимизни, тажрибали педагог ва меҳрибон мураббий аёлларимизни доимо эъзозлаб келганмиз ва бундан буён ҳам шундай бўлиб қолади.

Муҳтарама аёллар! Барчамиз учун қадрли бўлган, иккинчи уйимиз бўлган институтимиз жамоасининг **37 % фоизини** муҳтарама хотин-қизлар ташкил этади. Улар ичida **11** нафар фан докторлари ва профессорлар, **33** нафар фан номзодлари ва доцентлар ва **120** дан ортиқ тажрибали меҳрибон аёл ўқитувчилар фаолият юритмоқдалар.

Институтимизда барқарор маънавий мухитни шакллантиришдаги бекиёс ўрнингизни юксак қадрлаймиз.

Сизларнинг тўлақонли илмий ва педагогик фаолият юритишларингизни таъминлаш учун барча шарт-шароитларни яратишга доимо тайёрмиз.

**Яна бир бор байрамларингиз муборак бўлсин, азиз опа сингиллар!**

ТИҚХММИ матбуот хизмати